2008 ЙИЛ, 21 МАЙ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (11.157)

Баҳоси эркин нархда

## СУРХОНДАРЁДА УЧРАШГУНЧА ХАЙР, "БАРКАМОЛ АВЛОД"!

**НУКУСДАГИ "ТУРОН" СТАДИОНИ УЗРА 17-20 МАЙ КУНЛАРИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА "БАРКАМОЛ АВЛОД — 2008" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ МАШЪАЛАСИ ПОРЛАБ ТУРДИ. УШБУ МУСОБАҚАЛАР ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ҲАМДА СПОРТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ УЧ ПОҒОНАЛИ НОЁБ ТИЗИМНИНГ МУҲИМ БЎҒИНЛАРИДАН БИРИДИР.**








Ёшларнинг бундай спорт анжуманлари жадал ривожланиб бораётган жамиятимиз талабларига мос бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишларини тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий таркибий қисмига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшларга нафақат жаҳон стандартлари асосида билим бериш, балки уларнинг жисмоний, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишиши учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Қорақалпоғистонда ўтган "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари Юртбошимиз томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ана шундай улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намоёни бўлди. Зеро, спорт навқирон авлод вакилларида юксак ирода, ғалабага интилиш, ҳалоллик, ватанпарварлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялайди.

Бугун мамлакатимизнинг энг чекка туманларида ҳам кўплаб замонавий спорт заллари, стадион ва мажмуалар барпо этилиб, барча зарур спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда. Уларда қишлоқлар ва маҳаллаларда яшовчи катта-кичик спорт билан шуғулланиш имконига эга. Миллат саломатлиги асоси, аҳолининг соғлом турмуш тарзи ана шу тариқа шаклланмоқда.

"Баркамол авлод — 2008" мусобақалари ўтказилиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасининг спорт инфратузилмаси янада яхшиланди. Мусобақалар олдидан 14 спорт иншооти капитал реконструкция қилиниб, таъмирланди ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

Спортнинг 12 тури – баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, кураш ва белбоғли кураш, сузиш, енгил атлетика, катта теннис, стол тенниси, бадиий гимнастика ҳамда шахмат бўйича беллашувларда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 1600 нафарга яқин лицей ва коллеж ўқувчиси иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, беллашувлар дўстона, ҳалол рақобат руҳида ўтди. Эпчил, чаққон ва кучли спортчилар ўз маҳоратини намойиш этиб, 165 та олтин, кумуш ва бронза медаль учун баҳс олиб борди.

Улар махсус тайёрланган маданий тадбирларда ҳам қатнашди. Таниқли адиблар, спортчилар, артистлар билан учрашди, турли шоуларнинг гувоҳи бўлди.

Мусобақалар нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг чинакам форуми, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, бошқа нуфузли халқаро турнирларда қўлга киритаётган зафарлари, ёш олимларимиз, ёзувчилар, санъат намояндаларининг улкан муваффақиятлари халқаро майдонда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтирмоқда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни вояга етказаётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг танитмоқда.

Нукусдаги "Турон" стадионида "Баркамол авлод — 2008" ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

...Майдонга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган терма жамоалар чиқиб келади. Стадионга йиғилган минглаб томошабинлар мусобақалар иштирокчиларини олқишлайди. Ғолибларни тантанали тақдирлаш бошланади. Беллашувлар натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Уларга энг юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси тақдим этилди.

Иккинчи ўрин Тошкент шаҳри, учинчи ўрин Фарғона вилояти ёш спортчиларига насиб этди.

Стадионга йиғилганлар "Баркамол авлод — 2008" ўйинларида ғолиб чиққан жамоаларга тақдим этиладиган Президент совринлари – "Дамас" автомобилларини гулдурос қарсаклар билан қарши олди. Уларга давлатимиз раҳбари номидан ушбу машиналар калитлари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат, ғалабага интилишини намоён этган жамоалар ва спортчилар ташкилотчиларнинг махсус совринлари билан тақдирланди.

"Баркамол авлод — 2008" ўйинлари байроғи туширилди. Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси байроқни коллеж ва лицейлар ўқувчиларининг келгуси мусобақасига мезбонлик қиладиган Сурхондарё вилояти вакилларига топширди. Ўйинлар машъаласи ҳам аста-секин ўчди. Бироқ, у мусобақалар иштирокчилари қалбида, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, порлаб туради, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайди.

Тантаналар спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва таниқли ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт билан якунланди. Тантана иштирокчиларининг спорт маҳорати, ранг-баранг либослари, жўшқин ашула ва рақслари ёшларимизнинг серқирра истеъдодини намойиш этди, халқимиз ҳамжиҳатлиги, давлатимиз қудратининг рамзига айланди. Зеро, Ватанимизнинг эртанги куни ана шундай жасур, иродали, ҳар томонлама билимли ёшларга боғлиқдир.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Аминбой ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР, ШУНИНГДЕК, «КЕЛАЖАККА САРМОЯ» НОМЛИ КИТОБ-АЛЬБОМИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА

Унда Буюк Британиянинг расмий, ишбилармон, жамоат ва таҳлилий доиралари вакиллари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди.

Брифинг чоғида қатнашчилар эътиборига яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Анжуман иштирокчилари Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллиги санаси Ўзбекистон Республикасида давлат миқёсида кенг нишонланиши айниқса муҳим эканини таъкидладилар. Улар дастурга киритилган тадбирлар кўлами кенг эканлигига ҳамда пухта ишлаб чиқилганига эътибор қаратдилар.

Мазкур Фармон Инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан БМТ Бош котибининг мактубини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Тадбир қатнашчиларининг фикрига кўра, ушбу муҳим ҳужжат республиканинг демократик тараққиёт йўлидан собитқадамлик билан одимлаётганининг яна бир тасдиғидир. Бундан ташқари, у Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги умумэътироф этилган тамойиллар ва меъёрларга содиқлигини, шунингдек мазкур йўналишда халқаро ҳамжамият билан фаол ҳамкорлик олиб боришга тайёр эканлигини намойиш қилади.

Анжуманда таъкидланишича, Ўзбекистон ўз халқининг тарихи ва анъаналари, миллий менталитетини ҳисобга олган ҳолда ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаларини диққат билан ўрганмоқда ва уларни ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиб келаяпти.

«Келажакка сармоя» китобининг тақдимоти давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши ҳамда унинг ижобий натижалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, унда мамлакатимизнинг мазкур соҳада эришаётган муҳим ютуқларини кўрсатиб берувчи аниқ далил ва рақамлар келтирилди.

**«Жаҳон» АА**
**Лондон шаҳри**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2007 йилги ҳамда 2008 йилнинг биринчи чорагидаги ижросига доир масала муҳокама қилинди.**
- **Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган «Фарзандлар камоли — юртим жамоли» номли адабий-мусиқий тадбир ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди.**
- **Республика ўқувчилар саройида Халқ таълими вазирлигининг «Марказий Осиёда гиёванд моддалар айланишининг олдини олиш дастури» доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчи ёшларининг «Гиёвандлик ва ОИТС — умр заволи» мавзуида республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**
- **Урганчда мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган «Диққат, болалар!» ўн кунлик тадбири ниҳоясига етди. Тадбир доирасида шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги ва халқ таълими бўлимлари томонидан йўл ҳаракати қоидалари тарғиботи ва кўчанинг ҳаракатланиш жойида болалар жароҳатланишининг олдини олишга бағишланган тадбирлар мажмуаси уюштирилди.**
- **Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежида «Ёшлар —буюк келажак бунёдкори» шиори остида оммавий анжуман ўтказилди.**
- **Жиззах вилоятида аҳоли ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга, маҳаллий ҳокимликлар, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини кучайтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
- **Навоий шаҳрида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичи якунланди. «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур танловда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 14 жамоа иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

- **Ироқнинг Мосул шаҳрида «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳининг мамлакатдаги етакчиси, Саддам Ҳусайн раҳбарлик қилаётган даврда генерал унвонини олган Абдулхолиқ ал-Сабавий ҳибсга олинди.У Ироқ хавфсизлик кучлари томонидан ўтказилган махсус тадбир пайтида қўлга олинган. Айни пайтда Абдулхолиқ ал-Сабавий ҳарбийлар томонидан сўроқ қилиняпти.**
- **Мьянмада бундан икки ҳафта бурун рўй берган «Наргис» тўфони оқибатида 78 минг киши ҳалок бўлган, 55 минг киши бедарак йўқолган ва 2 миллион киши бошпанасиз қолганди. Ушбу тўфон мамлакатга 6,5 миллион евро миқдорида талафот етказган. Кеча ушбу тўфон қурбонларини хотирлаб, мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.**
- **Кеча Хитойнинг Сичуан музофотидаги вайроналар остидан шу ерда 179 соат (7,5 сутка) давомида қолиб кетган Ма Юаньцзян номли 31 ёшли киши қутқариб олинди. Ма Юаньцзян нафақат тирик қолди, балки 8 кунга яқин вайроналар остида қолиб кетган бўлса ҳам у ҳушини ҳам йўқотмаганди ва қутқарувчилар билан бемалол сўзлашди. Зилзиладан жабрланган ушбу кишини ҳарбий госпиталга ётқизишди ва тез орада касалхонага ўтказилади.**
- **Марокаш пойтахтида «Мавазин-жаҳон халқлари мақомлари» халқаро мусиқа фестивали очилди. Унда 40 дан зиёд мамлакатдан юзлаб санъатшунос олимлар, хонанда ва бастакорлар иштирок этмоқда. Фестиваль давомида юздан зиёд концерт дастурлари ижро этилади.**
- **Мексикада йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Мехико-Тампико йўналиши бўйича ҳаракатланаётган автобуснинг 200 метр баландликдан пастга қулаб тушиши натижасида 24 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 20 дан ортиқ киши жароҳатланган. Ҳозирда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.**
- **Японияда электромобиллар учун батарея ишлаб чиқарадиган дунёдаги биринчи завод қурилади. «Nissan Motor» (автомобилсозлик) ва NEC (электротехника) корпорацияларининг бундай қўшма лойиҳасини амалга ошириш учун 12 миллиард иен (115 миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда.**
- **Украинанинг Симферопол шаҳридаги музейда ўтган асрнинг бошларида ишлаб чиқарилган, бу ерда 50 йилдан буён сақланаётган сув ости минасининг ичида 12 килограммга яқин портловчи модда мавжудлиги ва унинг шунча вақтдан буён хавф туғдириб келаётганлиги аниқланди. Мазкур хавфли снаряд зудлик билан полигонда сапёрлар томонидан йўқ қилинди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

- **КЕЧА** Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида «Банк экспо — 2008» банк технологиялари ва ускуналари биринчи миллий кўргазмаси очилди.
- **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман ФҲДЁ бўлими ҳамкорликларида маҳаллалар оқсоқоллари, фаол ёшлар, нотариал идоралар вакиллари иштирокида уюштирилган семинар никоҳ шартномасини тузишнинг қонун-қоидаларига бағишланди.
- **КЕЧА** Учтепа туманидаги 18-автокорхонада зилзила вақтида ночор қолганларга биринчи ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишлаб ўтказилган ўқув машғулоти ва семинар Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан уюштирилди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирок этишди.
- **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган семинар-кенгашда ўтган йилда болаларнинг ёзги оромгоҳларда дам олишларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди, жорий йил режалари муҳокама этилди.
- **ЎТГАН** куни Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик Катта театрида санъат ихлосмандлари эътиборига Тошкент Давлат хореография олий мактаби ўқувчиларининг ҳисобот концерт дастури ҳавола этилди.
- **ЎТГАН** куни Тошкент Халқаро Вестминстер университетида «Очиқ эшиклар куни» тадбири уюштирилди.
- **СОБИР** Раҳимов туманидаги Тошкент маиший хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида шаҳримиз мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этишди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги республика Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида шифокорлар иштирокида уюштирилган анжуман Халқаро ҳамширалар кунига бағишланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

**ОНА ТАБИАТНИНГ БИЗГА ИНЪОМ ЭТГАН БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИ ИЧИДА ОБИ-ҲАЁТ САНАЛМИШ СУВНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲЕЧ БИРИМИЗ ИНКОР ЭТА ОЛМАЙМИЗ. ЧУНКИ, ЧИНДАН ҲАМ СУВ—ТИРИКЛИК МАНБАИ, АЗИЗ ВА БЕҚИЁС НЕЪМАТ. УНИНГ ТУРМУШ ГЎЗАЛЛИГИ, ОБОД ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲИССАСИ ЖУДА КАТТА.**

*Тежамкорлик — катта бойлик*

## СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ, БЕБАҲО НЕЪМАТ

— Азал-азалдан табиатга, у ато этган неъматларга меҳр билан оқилона муносабатда бўлган ота-боболаримиз сувни ниҳоятда эъзозлашган, уни муқаддас билишган, — дейди суҳбатдошимиз, «Сувсоз» тpести давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Дунанбой Казибеков. — Улар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш баробарида ифлосланишдан ҳам асрашган, исрофгарчилигига асло йўл қўйишмаган. Кундалик ҳаётимизни сувсиз тасаввур эта олмас эканмиз, шу боис ҳам уни исроф қилиш, беҳуда оқизиб қўйиш сингари зарарли одатлардан қутулишимиз лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда пойтахтимиз истеъмолчиларига ичимлик сувини тайёрлаб, уни тоза ҳолда мунтазам етказиб беришда корхонамизнинг 4000 дан зиёд ходимлари сидқидилдан фаолият кўрсатмоқда. Иссиқ кунлар бошланиши билан истеъмолчиларнинг ичимлик сувига бўлган талаби ортиб бориши табиий. Уларнинг талабини қондириш учун соҳа ходимлари куну-тун меҳнат қилишади.

**— Пойтахтимиз истеъмолчиларига қанча миқторда сув етказиб берилади ва уни узлуксиз ҳамда тоза ҳолда узатишда қандай харажатлар сарфланади?**

— Ҳозирги кунда бир кеча-кундузда Тошкент шаҳри ва шаҳар олди туманларига 2 миллион 600 минг м$^3$ ичимлик суви етказиб берилмоқда. Баҳор ойларида бу кўрсаткич 1 миллион 900 минг м$^3$ни ташкил этарди. Сув етказиб бериш мақсадида Қодирия, Бўзсув, Қибрай, Жанубий, Бектемир, Қўйлиқ, Қорасув ва Сергели иншоотларида куну тун фаолият қайнайди. Энди харажатлар хусусида тўхталадиган бўлсак, бир кунда қуйидагилар керак бўлади: 6тонна аччиқ тош, 2 тонна хлор моддаси, 700 минг кВт соат электр энергияси, 2,6 тоннадан ортиқ ёқилғи мойлаш маҳсулотлари. Бундан ташқари тармоқ ва ускуналарни таъмирлаш, янги тармоқлар бунёд этиш, иншоотларнинг эксплуатацияси сингари харажатлар ҳам мавжуд бўлиб ичимлик сувини истеъмолчиларга етказиб бериш учун бир кеча- кундузда 40 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланмоқда.

Мониторинг кузатувимиз ва ҳисоб-китобларимиз натижаларига кўра шаҳримизнинг ичимлик сувига бўлган бир кунлик эҳтиёжи 1 миллион 400 минг м$^3$ ташкил этади. Лекин афсуски, истеъмолчиларнинг лоқайдлиги, айниқса йилнинг иссиқ кунларида сувни беҳуда сарфлашлари оқибатида шаҳримизнинг айрим ҳудудларида ичимлик суви етказилишида узилишлар содир бўлмоқда. Сув иншоотлари ҳамда сув тамоқлари ҳар қандай муҳандислик қурилмалари каби ўзининг чегараланган ҳисобий кўрсаткичларига эга бўлгани учун маълум миқдордаги сувни тайёрлаб етказишга мўлжалланган тармоқларда ўша ҳисобий кўрсаткичлардан ортиқ сув талаб қилинганда, албатта, узилишлар юзага келмоқда.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ичимлик сувининг норационал йўқотилиши 530 минг м$^3$/ суткани ташкил этади ва бу умумий берилаётган миқдорнинг 24 фоизи демакдир. Бунга шаҳар сув тамоқларидаги йўқотишлар, ёзги мавсумда майдонларни суғориш, қишда эса иссиқ сув ва иситиш тизимидан сувни оқизиб қўйиш ҳамда санитар-техник жиҳозлардан сув оқиши сабаб бўлади.

**— Сув —бебаҳо неъмат деймиз. Ана шу оби-ҳаётнинг бугунги кунда белгиланган тарифларини ҳам айтиб ўтсангиз.**

— 2008 йил 10 апрелдан бошлаб пойтахтимизда аҳоли, бюджет ва алоҳида маиший хизмат ташкилотлари учун қуйидаги тарифлар белгиланган, яъни аҳоли учун 1 м$^3$ ичимлик суви 48 сўм ва 1 м$^3$ оқава сувларни қабул қилиш, тозалаш хизматлари 35 сўм, маиший хизмат, хўжалик ҳисобидаги ва саноат корхоналари учун оширилган тарифлар яъни,1 м$^3$ 96 сўм 16 тийин ва 1 м$^3$ оқава суви учун 67 сўм 40 тийин қўлланилади. Албатта, ушбу тарифлар ичимлик сувини ишлаб чиқариш, оқава сувларини олиб кетиш ва тозалаш учун сарфланган харажатлар таннархидан келиб чиқиб белгиланади.

**— Ичимлик сувини тежашда, меъёрида ишлатишда совуқ сув ўлчагичларининг катта аҳамияти кўп бора таъкидланади. Ҳозирда ана шу ускуналарни ўрнатиш аҳволи қандай ва ичимлик суви йўқотишларга нималар сабаб бўляпти?**

— Ҳақиқатан ҳам сув сарфини ўлчаш асбобларининг тежамкорликдаги фойдаси тажрибада исботланмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги қарорига асосан Тошкент шаҳрида шахсий турар жойларга 127462 та, кўп қаватли уйларнинг хонадонларига 422821 та совуқ сув ўлчагичлар қўйилиши зарур. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралидаги 61-қарорига кўра жорий йил 1 апрелигача шахсий турар жойларга 48374 та (34 фоиз) ва кўп қаватли уйлар хонадонларига 190382 та (44 фоиз) сув ўлчагичлар ўрнатилди.

Шуни айтиш лозимки, мазкур асбобларнинг техник жиҳатдан тўғри ва сифатли ўрнатилишини таъминлаш билан боғлиқ ишлар «Тошкент –Ценнер» қўшма корхонаси, «И-Иян» хорижий корхонаси МЧЖ, «Тошиссиқликқуввати» ИЧБ, туманлардаги «КРАВС»лар ва «Сувсоз» тpести ДУК бўлинмаларига топширилган. Битта сув ўлчагични ўрнатиш таннархи ҳисобга кўра кўп қаватли уй хонадонларида 33 минг сўм, шахсий турар жойларда 38 минг сўмни ташкил этмоқда. Чунки бу қудуқ тайёрлаш ва бошқа қўшимча ишлар билан боғлиқдир.

Ичимлик сувини йўқотишни ҳал қилишнинг муҳим вазифаларидан бири ички сантехника жиҳозлари созлигини таъминлашдир. Ушбу носозлик натижасида унитаз ювиш сиғими (бачок)дан оқиб кетаётган сув ҳажми бир кеча-кундузда 600 литрни ташкил этади. Агарда кўп қаватли уй хонадонларининг ҳар иккисидан бирида ушбу носозлик мавжуд бўлса, бунда энг камида 160 минг м$^3$ / сутка ичимлик суви беҳуда сарфланади демакдир.

Шунингдек, ҳозиргача кўпгина маиший хўжалик ва саноат корхоналари техник, технологик ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асоссиз равишда ичимлик сувини ишлатиб келмоқда. Бунда, албатта иш арзонроқ ва ортиқча муаммоларсиз битади. Аммо, бундай сув йўқотишлар энг камида 50 минг м$^3$ / суткани ташкил этаётгани ачинарли ҳолдир. Сув йўқотишнинг яна бир сабаби кўп жойларда суғориш ариқлари йўқлиги бўлиб, ёзда йўл ва йўлкаларга сув сепиш, томорқаларни суғориш натижасида кўп миқдорда сув йўқотилмоқда. Корхонамиз томонидан ичимлик суви тармоқларидаги носозликларни ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган сув исрофгарчилигини бартараф қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

**— Халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган ажойиб нақл бор. Шу боис ҳам истеъмолчилар содир бўлган носозликларни бартараф этиш бўйича кимларга мурожаат қилишса тўғри бўлади?**

— Жуда ҳақ гапни айтдингиз,—деб суҳбатга қўшилди трестнинг шаҳар сув тармоқлари бошлиғи Ғайбулла Солиҳов. — Ҳар бир ишни устаси бажарсагина сифатли ва мукаммал бўлади. Корхонамиз ҳам юридик, ҳам хусусий истеъмолчиларга сув таъминоти бўйича сифатли хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга эътибор қаратган. Трестимиз қошида фаолият кўрсатаётган «Сувсозабонентхизмати», «Сувўлчагичхизмати», «Сувсозқурилиш» шўъба корхоналарининг асосий йўналиши аҳоли ва корхоналарга сув ва оқава сув таъминоти бўйича сифатли пуллик хизмат кўрсатишдан иборат.

**«Сувўлчагичхизмати»** шўъба корхонаси (телефон: 262-52-88; 262-33-67. Раҳбари Б.Салиҳов) диаметри 15 мм.дан 200мм.гача бўлган сув ўлчагич асбобларини ўрнатиш, ўрнатилган сув ўлчагичларни ҳисобга олиш, истеъмолчилар билан шартномалар тузиш, ўлчагичларни таъмирлаш хизматларини аҳоли ва корхоналар томонидан берилган аризалар асосида амалга оширади. Корхонанинг малакали ишчилари аризалар асосида ўрнатилган асбобларнинг ишлашини текшириб, далолатнома тузиб муҳрлайдилар ва асбобнинг тартиб рақами дастурлаштирилган компьютер тизимига уланади.

**«Сувсозабонентхизмати»** шўъба корхонаси (тел: 252-19-50; 309-77-47. Раҳбари А.Салиҳов) эса сув ва канализация тармоқларини тиклаш, таъмирлаш, янгидан ётқизиш, тармоқлардаги авария қисмларини бартараф этиш, тармоқларга ўрнатилган зулфларни, ёнғин гидрантларини таъмирлаш, алмаштириш, қудуқларни тозалаш, янгидан ўрнатиш, канализация тармоқларининг ички қисмини тозалаш, сув ўлчаш асбоблашини ўрнатиш каби хизматларни кўрсатади.

Сув ва канализация тармоқлари учун катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини **«Сувсозқурилиш»** шўъба корхонаси (тел:262-33-54, 262-33-27. Раҳбари Н.Казакбоев) бажаради. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифаларни бажариш учун барча шўъба корхоналарда зарур техника ва механизмлар, юқори малакага эга бўлган мутахассислар мавжуд ва бу хизмат сифатини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Албатта, уларга мурожаат этган истеъмолчиларнинг талаблари бекаму кўст бажарилади.

Шу ўринда фурсатдан фойдаланиб, ҳамшаҳарларимиз ҳамда пойтахтимиздаги корхона раҳбарларига юқоридаги гаплардан хулоса чиқарган ҳолда табиатнинг беқиёс инъоми бўлган сувдан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, авайлаб асраш келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурч эканлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Ҳа, азиз неъмат—оби-ҳаётни эъзозлаш, қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади. Ахир бежизга унинг қатрасини зарга тенгламаймиз.

**Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА**

*2008 — Ёшлар йили*

## ЁШ ОЛИМАНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИГА ҚАРАТИЛАЁТГАН УЛКАН ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШИ ТОБОРА ОШМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБАСИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АСПИРАНТИ ГУЛНОРА ЖАЛИЛОВА АНА ШУНДАЙ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРДАН.**

1996 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган Гулнора илмий ишини давом эттириш истагида Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида иш бошлади. 2005 йилда Тошкент давлат аграр университетининг агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси қошидаги тупроқшунослик бўлими аспирантурасига ўқишга кирди.

Ҳозир илмий раҳбари — биология фанлари доктори, профессор Лазиза Ғафурова раҳбарлигида географик ахборот тизими технологияларини қўллаш асосида Сўқоқсой бассейнининг эрозияга учраши мумкин бўлган ерларини аниқлаш ва баҳолашга бағишланган номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Географик ахборот тизими атроф-муҳитни, оламда рўй бераётган ҳодисаларни хариталаш ва таҳлил қилишга мослаштирилган замонавий компьютер технологиясидир, — дейди Г.Жалилова. — У топографик хариталар тузишда, ерни масофадан зондлаш, яъни космик фотосуратлар олишда, тупроқдаги эрозия жараёнларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имкониятларини яратади.

Бизнинг тадқиқотларимиз эрозияга учраши мумкин бўлган ҳудудларни олдиндан аниқлаб, уларга баҳо бериш жараёнида мавзулар бўйича хариталар яратишга қаратилган. Илмий изланишларимиз Тошкент вилояти Паркент туманидаги Сўқоқсой сув ҳавзасига қарашли ерларда олиб борилмоқда. Айни вақтда ўрганилаётган ҳудуддан тупроқ намуналари олиниб, лаборатория шароитида таҳлил қилинмоқда.

— Она заминимизнинг ҳар қаричи олтинга тенг, — дейди биология фанлари доктори, профессор Лазиза Ғафурова. — Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Шу боис Гулноранинг тупроқ унумдорлигини асраш борасидаги илмий изланишларини астойдил қўллаб-қувватладим. Тадқиқотлар жараёнида анъанавий усулда яратилган хариталарни янгилаш ва улардан фойдаланиш бирмунча кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Географик ахборот тизими технологияларини қўллаш орқали электрон хариталардан фойдаланиш эса анча самарали.

Г.Жалилованинг замонавий компьютер технологиясини мамлакатимиз аграр тизимига жорий этиш самараларига оид ўндан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Шу кунгача илмий изланишлари натижасида тўртта маълумотлар базаси яратилди. Аспирантнинг ўнга яқин илмий мақола ва тезислари хорижий мамлакатларда илмий журналларида чоп этилган. Ёш олима ЮНЕСКО лойиҳаси асосида тайёрланаётган «Ўзбекистоннинг экологик атласи» тўпламининг тупроқ экологик харитасини тузувчи муаллифлар гуруҳи аъзоси ҳамдир.

Г.Жалилова 2006 йили Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2006-2008 йилларга мўлжалланган ёш олимлар танловида ғолибликни қўлга киритган. Ўтган йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани ва илмий ишлари танловида қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ва сув ресурлари йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Бу мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз иқтидори ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилаётган улкан эътибор самараларидандир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**



*Ширкат — ибрат*

## ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАМИЗ

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «БАХТ НУРИ» ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТИГА 6 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ БИРЛАШГАН.**

— Айни кунларда уйларимиз ён-атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, яшовчилар ва айниқса болажонлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратганмиз, — дейди ширкат бошқаруви раиси Баҳодир Ҳасанов. — Шунинг баробарида келгуси кузги-қишки мавсум тараддудини ҳам бошлаб юбордик. Кўп қаватли уйларимиз кўркамлиги ва ободлигини таъминлаб, келгуси йилда ўзининг 2200 йиллигини нишонлаётган азим шаҳримиз, жонажон пойтахтимиз кўркини янада оширишга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз. Бу борада мулкдорларимиз —яшовчиларнинг барчаси ҳамжиҳатликда саъй-ҳаракат қилишмоқда.

**СУРАТЛАРДА: ширкат уйлари йўлаклари озода ва батартиб; болалар ўйин майдончалари талабга жавоб беради.**

**Азамат Аҳмедов олган суратлар**



*Тўловлар*

## ХИЗМАТ СИФАТИГА БОҒЛИҚ

**ХАЛҚИМИЗДА «ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ», ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛ БОР. ЧИНДАН ҲАМ АНА ШУНДАЙ. АЛБАТТА, ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲАМ БУНИ ЖУДА ЯХШИ БИЛИШЛАРИ ЛОЗИМ. КЎРСАТИЛГАН КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР ҲАҚИНИ ВАҚТИДА БАЖАРМАСАНГИЗДА, АММО НАМУНАЛИ ХИЗМАТНИ ТАЛАБ ҚИЛСАНГИЗ — ТАЛАБИНГИЗ ТЎҒРИ БЎЛАДИМИ? ЙЎҚ, АЛБАТТА. НЕГАКИ, СИЗ ВА СИЗ КАБИ ЎНЛАБ ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ТЎЛОВ БОРАСИДАГИ ЛОҚАЙДЛИГИ ХИЗМАТНИНГ ОҚСАШИГА,НОСОЗЛИКЛАРНИНГ ОРТИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.**

Бозорга чиқсангиз, дўконга кирсангиз, харид қиласизу дарҳол пулини тўлайсиз. Ҳеч ким, ҳеч қачон сизга бепул нарса бермайди. Лекин нима учун юзлаб мутахассисларнинг меҳнати ва қанча-қанча маблағлар эвазига хонадонингизга кириб бораётган, уйингизни чароғон, мушкулингизни осон, оғирингизни енгил этадиган электр энергияси, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, газ ва бошқа хизматлар ҳақини вақтида тўламай, бепул фойдаланишингиз лозим?! Ҳар қандай баҳонанинг ҳам, беҳуда бепарволикнинг ҳам чеки, қарзнинг ҳам адоғи бор, албатта. Ана шуни бугун айрим қарзлари ой сайин ортиб бораётган истеъмолчиларга эслатишни лозим топдик.

Чилонзор тумани, 10-мавзе, 19-уй, 18-хонадон эгаси Қўзибоева 1.035 000 сўм иссиқлик ва иссиқ сув тўловини бажармай «рекорд» ўрнатган бўлса, ушбу хизматдан 829.454 сўм қарзни ортмоқлаб юрган 5-мавзе, 51-уй, 3-хонадон соҳиби Исломов ҳам ундан қолишмаяпти. Мазкур тумандаги 5-мавзе, 52-уй, 7-хонадондан Олимжонова 653.100 сўм, 9-мавзе, 3«а»-уй, 12-хонадондан Бекмуҳамедова 546.691 сўм, 16-мавзе, 5«а»-уй, 42-хонадондан Эгамов 524.458 сўм, 17-мавзе, 33-уй, 25-хонадондан Салохуддинов 505.437 сўм, 19-мавзе, 48-уй, 6-хонадондан Каримова 461.605 сўм, 2-мавзе, 72-уй, 25-хонадондан Мусабоева 248.928 сўм, Учтепа тумани 30-мавзе, 13-уй, 45-хонадондан Д.Худойбердиева 964.263 сўм, 49-уй, 46-хонадондан С.Усмонбеков 740.530 сўм, 20-уй, 17-хонадондан А.Газиева 793.170 сўм, мазкур тумандаги 12-мавзе, 60-уй, 70-хонадондан В.Сухоруков 778.215 сўм, 31-мавзе, 45-уй, 228-хонадондан Р.Азимова 788.056 сўм, 21-мавзе, 34-уй, 6-хонадондан С.Петрова 712.222 сўм, 24-мавзе, 43-уй, 36-хонадондан И.Маҳмудова 525.663 сўм, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 79«а»-уй, 21-хонадондан Игамбердиев 568.680 сўм, шу кўчадаги 91-уй, 26-хонадондан Фозилов 458.441 сўм, 4-уй 4-хонадондан Воронков 356.027 сўм, Б.Турон кўчаси, 77-уй, 119-хонадондан Ҳожиакбаров 502.477 сўм, Пирмуҳамедова кўчаси, 5-уй, 57-хонадондан Мунаварова 446.886 сўм, Афросиёб кўчаси, 21-уй, 32-хонадондан Убайдуллаев 455.735 сўм иссиқлик ва иссиқ сув учун тўловларни бажармаганини қандай изоҳласа бўлади? Ҳозирда иситиш мавсуми якунига етиб, келгуси куз-қиш тайёргарлиги бошланган бир пайтда ушбу маблағлар қанчалар зарурлигини, эртага бу ўзларига сифатли хизмат бўлиб қайтишини наҳотки юқоридаги ҳамшаҳарларимиз билишмаса?!

Хонадонимизда пориллаб ёниб, оғиримизни енгил қилаётган табиий газнинг қадрини нафақат уй бекалари, балки барча яхши билади. Аммо унинг қадрига етмаётганлар ҳам анчагина экан. Йўқса улар фойдаланилган газ ҳақини вақтида тўлашмасмиди. Шайхонтоҳур тумани «Ўзбекистон», «Лабзак» ва «Тинчлик» маҳаллаларидаги ана шундай қарздорларнинг номини бирма-бир келтирсак, зора улар инсофга келиб, ўз бурчларини бажаришга тезроқ отланишса. «Ўзбекистон» маҳалласи, Х.Каримов кўчаси, 2-уйдан Каримов 316.103 сўм, 20-уйдан Рамазонов 189.250 сўм, Бобур кўчаси, 23-уйдан Мўминов 215.467 сўм, 20-уйдан Шокиров 183.789 сўм, 19-уйдан Абдурасулов 181.920 сўм, «Лабзак» маҳалласидаги Хуршид кўчаси, 42-уйдан Ўсаров 270.595 сўм, 34-уйдан Ёрматов 230.486 сўм, Шоҳилонтепа кўчаси, 11-уйдан Отақўзиев 243.586 сўм, Бутляров кўчаси, 19-уйдан Исматуллаев 220.685 сўм, К.Восток кўчаси, 16-уйдан Файзибоева 200.036 сўм, Баҳор кўчаси, 12-уйдан Раҳматов 189.900 сўм, «Тинчлик» маҳалласи, Мушкин кўчаси, 92-уйдан Жўраев 204 минг сўм, 697-уйдан Абдуқодиров 199.851 сўм, 41-уйдан Расулов 151.955 сўм, Сергели тумани, Ўзар кўчаси, 45-уйдан А.Туропов 294.694 сўм, 12/10-уйдан М.Охунов 212.194 сўм, Ўзгариш кўчаси, 26-уйдан Т.Исматов 200 минг сўм, Паризод кўчаси, 26/50-уйдан Р.Шарипов 232.285 сўм, Толариқ кўчаси, 80-уйдан А.Мирзаев 183.340 сўм, У.Маҳмуд кўчаси, 42-уйдан Р.Усмонова 179 минг сўмлик ёқилган газ ҳақини тўламай юрганлар сирасидандир.

Бугунги ишни эртага қўйма, дейишади донолар. Қарздорлар ҳам кундан кунга қарзларини ошириб, лоқайд юраверишса, ўзларига кўрсатиладиган хизмат сифатига зарар етказишади. Сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ШИРКАТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулки нималардан иборат?**

**Наргиза Одилова,**
**Гулноза Бакирова,**
**хонадон эгалари**

«Ширкатнинг мол-мулки пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ҳамда ширкат маблағлари ҳисобига ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда олинган ўзга мол-мулкдаги, шунингдек, ширкатнинг ер участкасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларидан иборат бўлади», деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунида. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 37-моддасида айтилишича, ширкатнинг пул маблағлари ширкат аъзоларининг мажбурий ва ихтиёрий бадалларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлардан таркиб топади. Алоҳида кўп квартирали уйдаги жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққан тақдирда бу кўп квартирали уйни капитал таъмирлаш учун жой мулкдорлари томонидан маблағларни мақсадли жамғарма ҳисобига тўпланган ширкат пул маблағларининг бир қисми янги тузилаётган ширкатга белгиланган тартибда ўтказилиши керак.

*Алоқа*

## ТАРМОҚДА ЯНГИ ҚУРИЛМАЛАР

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ МОБАЙЛ» ФИЛИАЛИ ТАРМОҒИДА СЕРВИС ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ДИЛЕРЛИК, ИНТЕРНЕТ ВА СЎЗЛАШУВ ШОХОБЧАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛМОҚДА. ЖОЙЛАРДА БАЗА СТАНЦИЯЛАРИНИ ЎРНАТИШ ЖАРАЁНИ ҲАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Шу ўринда пойтахтимизда ўндан ортиқ база станцияси ва 100 минг рақамга эга бўлган коммутаторлар ишга тушганини айтиб ўтиш жоиздир. Филиалнинг боғланмалари фаолиятлари ҳам яхши йўлга қўйилмоқда.Бундай алоқа тармоғи яқинда Тошкентда ҳам иш бошлади.

Шунингдек, реклама ишларидан мижозлар кенг фойдаланмоқдалар. Пойтахтимизнинг ўзида реклама баннеридан 23 таси жойлаштирилди.

Стационар терминалларни ўрнатиш орқали эса аҳолига симсиз телефон хизмати кўрсатишга эришилмоқда.

## ПОЧТА АЛОҚАСИДА ҚЎЛ КЕЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «2010 ЙИЛГАЧА ПОЧТА АЛОҚАСИ ШОХОБЧАЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НЕГИЗИДА ХИЗМАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.**

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти Тошкент филиали томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам мижозларни мамнун этмоқда.

10 дан ортиқ почта алоқаси тармоғи электрон пул ўтказмалари тизимига уланганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Эндиликда ушбу тармоқнинг тезкор ва масъул ходимлари малакасини оширишга киришилди. Филиалнинг ахборот технологиялари бўлими томонидан уюштирилаётган ўқув жараёнида компьютер қурилмаларидан фойдаланилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТНИ ЯХШИЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЧЕТ ЭЛ ОЛИМЛАРИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ НИДЕРЛАНДИЯНИНГ ВАГИНЕНГИН УНИВЕРСИТЕТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЛМИЙ СЕМИНАРНИНГ АСОСИЙ МАВЗУСИ БЎЛДИ.**

# НИДЕРЛАНДИЯДА ОРОЛ ДЕНГИЗИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Унда Вагиненгин университети, Нидерландия Иқлим ва сув ресурслари маркази, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларини бошқариш соҳасига ихтисослашган маҳаллий ва хорижий илмий марказлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти вакилларидан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди.

Тадбир давомида Орол денгизи инқирозининг оқибатлари ҳамда мазкур ҳудудда жойлашган давлатлар аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш ва минтақадаги экологик мувозанатни сақлашга кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Семинарни Вагиненгин университети биринчи проректори С.Меер очди. Олим ўз маърузасида Орол денгизи муаммоси фақат ушбу минтақанинг эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг муаммоси эканини таъкидлади ҳамда ушбу мавзу бўйича амалий фикр алмашувига ишонч билдирди.

Нидерландия Иқлим ва сув ресурслари маркази раҳбари В.Кофино Орол инқирози инсониятнинг янги тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожеа эканига эътибор қаратди. «Айни пайтда Марказий Осиё минтақаси улкан миқёсдаги экологик офат билан юзма-юз турибди», — деди нидерландиялик мутахассис. Унинг фикрича, табиат экотизимининг бузилиши энг хавфли даражага яқинлашиб қолган.

Мазкур марказ ҳузуридаги Интеграциялашган сув ресурслари гуруҳи раҳбари Й.Фрёбрикнинг таъкидлашича, Орол денгизининг қуриши умумбашарий экологик ҳалокатдир. Бу муаммо жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги барқарор ривожланиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Олимнинг айтишича, Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазкур минтақадаги экологик вазиятни яхшилашга имкон бермоқда. Бироқ, бу билан чегараланиб бўлмайди, албатта. Шу боис дунёнинг барча мамлакатлари мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғи лозим. Й.Фрёбрик семинарда муҳокама қилинган масалалар Орол муаммоси ечимларини топишга ўз ҳиссасини қўшишига ишонч билдирди.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда сўнгги йилларда Орол денгизи ҳудудидаги экологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида амалга оширилаётган сиёсат хусусида тўлиқ ахборот олдилар.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Х.Ҳамидов иштирокчилар эътиборини мамлакатимизда ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилаётганига қаратди. Жумладан, минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, санитар-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш, кенг жамоатчиликни Орол денгизи ҳавзасидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш ишига жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари А.Реймов Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш ва минтақа аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш Ўзбекистонда устувор масалалар сирасига киритилганини айтиб ўтди. Мамлакатимиз ҳукумати инқироз оқибатларини енгиллаштиришга барча саъй-ҳаракатларни сафарбар этганини таъкидлаган ҳолда, А.Реймов мазкур йўналишда амалга оширилган ишларнинг миқёси ҳақида тасаввур уйғотувчи аниқ далилларни келтириб ўтди.

Илмий семинар якунларига кўра Орол денгизи муаммоларини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Оролбўйидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва турмуш даражасини юксалтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш, ер унумдорлигини ошириш зарурияти қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари жорий йилнинг 12 март куни Тошкентда бўлиб ўтган «Орол муаммолари, унинг аҳоли генофонди, табиат ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзуидаги халқаро конференция қарорларини тўла қўллаб-қувватлади.

**Азим МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири,**
**Брюссель.**

# ЭРОНДА ЎЗБЕКИСТОН КЎРГАЗМАСИ

**ТЕҲРОН ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАНИҚЛИ САНЪАТ УСТАЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАНГАН РАСМЛАР ҲАМДА ФОТОСУРАТЛАР КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Экспозиция ислом дунёсининг биринчи халқаро фото биенналеси доирасида ўтказилиб, Теҳроннинг «Сабо» маданият ва санъат институти кўргазма залларида бўлиб ўтди. Анжуманда Эрон расмий, ижтимоий-сиёсий ва маданий доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Теҳронда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этди.

Эрон Санъат академияси раиси Муҳсин Зоре кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, ушбу тадбир эронликлар учун тасвирий санъат асарлари, жумладан фото санъати билан яқиндан танишиш имкониятини беради, дея таъкидлади. Эронлик санъат мутахассиси шунингдек, мазкур форум турли халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш ҳамда ўзаро маданий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари ижодига мансуб турли жанрдаги ранг-баранг суратлар билан танишдилар. Улар орасида Саъдулла Абдуллаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Аслиддин Исаев, Жуллибой Изентаев, Шоирахон, Медат Кагаров, Малика Мирсодиқова, Собир Раҳметов ва бошқа таниқли рассомларнинг асарлари ўрин олган. Шунингдек, Турсунали Қўзиев томонидан суратга олинган ва республикамиз ҳаётининг барча жабҳалари, хусусан тарихий ва маданий ёдгорликларни акс эттирувчи фотосуратларнинг кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон вакилларининг ишлари Эрон тасвирий ва фото санъати ихлосмандларида, шунингдек хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир иштирокчилари фикрига кўра, ватандошларимиз ижоди ўзининг бетакрор нафосати ва гўзаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Муаллифлар ўзбек халқи турмушининг барча ўзига хос жиҳатларини, унинг бой миллий анъаналари ва тинч бунёдкорлик меҳнатини ёркин бўёқлар воситасида моҳирона ифода этган.

**«Жаҳон» АА**
**Теҳрон шаҳри**

*Таълим*

# «ЭКОСАН» МУКОФОТЛАРИ

**ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЖАРАЁНЛАРИДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТИБ КЕЛИШМОҚДА. БИОЛОГИЯ ВА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР, АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ, БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ КАБИ МАВЗУЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.**

Ўзбекистон Фанлар академиясида уюштирилган кўргазмада олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ёшларининг юқоридаги мавзуларда амалга оширган энг яхши илмий иш ва лойиҳалари намойиш қилинди.

Эндиликда бундай самарали тадқиқотлар «Экосан» мукофотлари билан тақдирланадиган бўлди. Ушбу нуфузли мукофот «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан ёшларнинг рақобатбардошлигини янада кучайтириш, улар орасида қобилиятлиларини танлаб олиш, юқори технологияларни ривожлантириш мақсадида таъсис этилди.

# МУКАММАЛ ҚЎЛЛАНМА

**«ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ БОСМАДАН ЧИҚДИ.**

Геология йўналишидаги ўқув юртлари учун мўлжалланган ҳамда «Геология қидирув ишлари» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш учун яратилган бу нашрдан касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Унда иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш мақсадлари учун ўтказиладиган босқичларга доир билимлар ҳам ёритилган. Ўқув қўлланмасида умумий геология минералогия, петрография, геофизика фанларига оид тажрибалар умумлаштирилган.

Шу сабабли «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» ўқув қўлланмаси ўқув жараёнларида тўлиқ синовдан яхши ўтди.

*2008 — Ёшлар йили*

# ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

**ИЛГАРИ ХАБАР БЕРИБ ЎТГАНИМИЗДЕК, ШАҲРИМИЗНИНГ МУҲТАШАМ «НАВРЎЗ» МАЖМУАСИДА «ОНА ВА БОЛА» ҲАМДА «ТЎЙ ПЛЮС УЗ» КЎРГАЗМАЛАРИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини сақлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган катта саъй-ҳаракатлар ҳамда тўй ва бошқа миллий маросимларни акс эттиришга бағишланган ушбу кўргазмада шаҳримиздаги 12 дан ортиқ тўй либослари ва бир қатор ушбу соҳаларнинг етакчи фирмалари иштирок этдилар.

Халқаро оила кунига бағишлаб «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Интер Тошкент Экспо» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада шаҳримиз маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёшлар, турмуш қуриш остонасидаги бўлажак келин-куёвлар, олий ўқув юрти, коллеж, лицей талаба ва ўқувчиларидан иборат 10.000 дан ортиқ йигит-қизлар иштирок этиб, ўзларига керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олдилар, гўзаллик, нафосат, дид билан ясатилган бўлимларда маҳсулотлари намойиш этилаётган фирмаларнинг хизматидан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, уларга «Камолот» ЁИҲ томонидан тайёрланган «Сиз «Камолот»ни биласизми?», «Ўсмирлик даври», «Азиз келин-куёвларга», «Ҳадемай оила қурасиз» деб номланган, мутахассисларнинг фойдали маслаҳат, тавсиялари берилган китобча ва буклетлар топширилди.

— Уч кун давомида кўргазмага ёшларнинг катта қизиқиш билан келишлари бизни хурсанд қилди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ёш аёллар, оила ва саломатлик бўлими бошлиғи Гулчеҳра Жўраева. — Ушбу тадбирни ташкил этишда оилада соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўзимизда ишлаб чиқарилган миллий либосларни намойиш этиш, «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини амалда татбиқ қилиш орқали ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларни кўзлаган эдик. Ўйлайманки, ёшлар камолоти йўлида амалга оширилаётган барча ишларимиз албатта яхши самаралар беради.

Ниҳоятда кўтаринкилик ва ёшларга хос жўшқинлик, куй-қўшиқлар билан ўтказилган ушбу кўргазмадан катта таассуротлар билан қайтаётган ёшларнинг дил сўзларини қоғозга туширдик.

**Наргиза АЗАМАТОВА,**
**тиббиёт коллежи талабаси:**

— Мен ушбу кўргазмадан ҳайратга тушдим. Ўзимизнинг миллий матоларимиздан тикилган, менталитетимизга хос ва мос услубдаги бежирим кийим-кечаклар, оналар саломатлиги, болаларнинг соғлом ўсиши бўйича тавсия этилаётган дори-дармонлар, болалар озуқалари, фирмалар мутахассисларининг тавсия, йўл-йўриқлари унутилмас таассурот қолдирди. Мен ўзимга керакли жуда кўп маълумотга эга бўлдим.

**Дилноза САЛИМОВА,**
**«Сархумдон» маҳалласида яшовчи ёш она:**

— Кўргазмага келганимга хурсанд бўлдим. Шундай чиройли тадбирни ташкил этган ташкилотчиларга барча қатнашчилар номидан миннатдорчилик билдираман. «Ўзимизда тикилган» шиори остидаги либослар қайси чет эл фирмасининг маҳсулотидан қолишади.

Дарҳақиқат ёш авлоднинг маънан етук, жисмонан соғлом вояга етишига қаратилган бундай тадбирлар эртага албатта яхши натижаларни беради.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## КИРИНГ, НАВБАТ КИМНИКИ?

Бир йилда бир марта ўз аъзоларини назорат кўригидан ўтказадиган махсус поликлиникалар бор. Биз ҳам оиламиз билан ана шундай соғлиқни сақлаш муассасаларидан бирига аъзомиз. Яқинда шу шифохонамиздан қўнғироқ қилишиб, «Бу йил назорат кўригидан ўтмабсиз, тез келиб текширувдан ўтиб кетинг» дейишди. Зарурий юмушлардан ортмай, айтилган вақтда боролмадик. Қўнғироқ устига қўнғироқ бўлавергач, иш жойимиз раҳбариятидан эрталаб уч соатга рухсат сўрашга тўғри келди.

Қанд касали текшируви учун қон топширишимизга тўғри келгани учун нонушта қилмай, поликлиникага етиб бордик. Шифокор ҳузурига кириб борганимизда кичкина жиккаккина қиз (ҳамшира бўлса керак) «Ҳайрият-ей сизни ҳам кўрадиган кун бор эканку. Ўзимиз таклиф қилмасак келмайсиз-а. Сизларнинг соғлиғингиз ҳақида ҳам биз қайғуришимиз керакми», деб замзама қилди. Узр сўрадик. Ниҳоят қўлимиздаги касаллик варақаси устига ўша ҳамшира ёзувли бир қоғоз қўйди.

— Мана ҳаммаси тайёр. Нечанчи хонага кириб қайси бўлимларга учрашишингиз шу қоғозда кўрсатилган. Боринг, бир чеккадан ишни бошлайверинг, — деди ҳамшира.

Ўша қоғозга кўз югуртирсак камида ўн-ўн беш шифокор ҳузурига кириб чиқишимиз керак экан. Ҳар бир хона олдида навбатда турганларни чамалаб кўрсак, икки-уч соат ичида уларнинг барчасига кириб улгуришимиз қийин. Нима бўлса бўлар, дедигу хоналарни изғиб кетдик. Қайси эшик олдида навбат кам бўлса ишни тез битказиш учун ўша жойга югурдик. Чаққон ҳаракатимизданми ҳар қалай икки соат ичида етти-саккиз хонага кириб чиқдик.

Қайсидир бир хона эшиги олдида тўрт-беш чамаси одам тўпланишиб қолганди. Навбатда туриб тоқати тоқ бўлган баъзи мижозлар дам-бадам эшикни тақиллатиб «Кирсак мумкинми?» деб сўрашади. Ичкаридан «Кутинг, касал бор» деган овоз эшитиларди. Шунда беморлардан бири шикоят қилиб қолди.

— Билмадим, у қанақа касал экан. Бундан ярим соат олдин бир аёл сўроқсиз ичкарига кириб кетганди. Ўша аёл ҳалигача чиқмади. Назаримда у ҳеч қандай давога муҳтож эмас. Шифокорнинг бирор яқин таниши бўлса керак. Боядан бери иккови бир-бирига сўз бермай, валақлашиб, ҳиринглашиб ўтиришибди.

— Ундай бўлса руҳсат сўрамасдан навбатда турган одам кираверишн керак, — деди яна кимдир.

— Қанақа қилиб кирасиз. Эшикни очишингиз билан шифокор «Кутинг, ҳузуримда бемор бор» деб зарда билан гапиряптику, —унга жавобан деди навбатдагилардан бири.

Ниҳоят аёл, унинг орқасидан кузатиб шифокор йигит чиқди. Хайрлашув олдидан аёл.

— Демак келишдик. Дам олиш куни Миллий театр биноси олдида соат бешда кўришамиз, — деди шифокорга қўл чўзиб.

— Ишқилиб, кўришга арзийдиган яхши спектакл эканми ўзи?

— Нима бўлса бўлар, кўрамизда. Томоша баҳона яна бир бор дийдорлашамизку, — деди аёл нозланиб.

Шифокор йигит уни жилмайиб кузатар экан, навбатда турганларга тунд юзланди.

— Киринг, навбат кимники?

Даврадагилар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

## ИНСОФНИ УНУТМАНГ

Баҳор ойлари ниҳоясига етиб дам олиш мавсуми бошланиш арафасида уч-тўрт тенгкур қариялар тўпланишиб, Бўстонлиқда жойлашган Хумсон қишлоғи томон йўл олдик. Дам олишимиз бир кунга мўлжаллангани учун сой бўйидаги хонадонлардан жой қидиришимизга тўғри келди. Меҳмонхоналарнинг нархи қиммат десак қарангки, ҳали дам олиш мавсуми бошланмай туриб бу ердаги оддий хонадонлардан жой берувчилар ҳам нарх-навони анча ошириб белгилашадиган бўлишибди.

Хуллас, бир кунлик ётоқ бир киши учун тўрт минг сўмга тўғри келди. Албатта бу ўртачаси. Ҳатто шундай хонадонлар борки, бу нархдан икки баравар ортиқча ҳам сўрашади. Тўрт улфат маслаҳатлашиб ҳар биримиз учун тўрт мингдан тўлашга рози бўлиб бир хонадонга жойлашдик. Вақт тушга яқинлашиб қолгани учун чой қайнатиш тараддудига тушдик.

— Бизда газ баллонда келтирилади. Илтимос, газдан тежамли фойдаланинглар. Фақат чой қайнатишинглар мумкин. Овқатни эса қозонда ўтин билан пиширасизлар, — деб огоҳлантиришди хонадон эгалари.

Рози бўлдик. Мириқиб ҳордиқ чиқариб чой ичгач, таом тайёргарлиги бошланди. Бизга бириктилган қозонга ўт қалайлик десак ўтин йўқ. Хонадон эгаси Ҳикмат бободан (оти шунақа) сўрасак, унинг ўрнига ёшроқ аёл жавоб берди.

—Бизда ортиқча ўтин йўқ. Ўтинни ўзларингиз топасизлар. Нари-бери борсанглар синган шох-шаббалар сероб. Ташиб келасизлар.

Буниси қизиқ бўлдику. Бошга тушганини кўз кўрар, деб ўтин қидириб кетдик. Ҳар қалай ўтин топилди. Бир овқат пишарли шох-шаббаларни ғамлаб олдик.

Таомдан сўнг сой бўйига чиқдик. Угам дарёсининг тошдан тошга урилиб оқишига маҳлиё бўлиб анча ўтирдик. Кечки пайт ётоққа қайтдик. Тушликдан қолган овқатни иситиб, чойхўрлик қилдик. Аллапаллагача суҳбатимиз қизиди. Шу орада кимдир чойнак кўтариб яна чой қайнатиш тараддудига тушди. Ўчоқ бошига кирса бояги аёл замзама қилиб:

—Бунақа кечаси билан чой қайнатсанглар, бир йўла газни тамомлаб кетасизларку, —дебди. Дўстимиз хижолат тортганидан қуруқ чойнак билан қайтди.

— Майли, бир кеча минг кеча бўлмас, — дея унга тасалли бериб уйқуга кетдик.

Устимиз юпун бўлгани учун кечаси билан чивинга таландик. Эрталабга яқин совуқ қотганимиздан шолчада ётсак ҳам тагимиздаги кўрпачани устимизга ёпдик. Энг ёмони кетар чоғимизда бўлди. Қаердандир пайдо бўлган ўрта ёшли киши (аёлнинг эри бўлса керак) яқинимизга келиб биз билан саломлашгач, ҳисоб-китоб қилишимизни сўради. Тўрт улфат 16 минг тўплаб унинг қўлига тутдик. У пулларни бирма-бир санаб:

— Бу кам, яна минг сўмдан қўшасизлар, — деди.

Биз олдиндан шу нархга келишганимизни айтдик.

— Мен йўғимда уйдагилар арзон айтишибди. Газ, ўтин, кўрпа, ёстиқ дегандек, яна тўрт минг сўм бермасангизлар бўлмайди, — деб туриб олди. Норози бўлсак-да яна минг сўмдан беришга мажбур бўлдик. Хуллас яхши ният билан отланган сафаримиз мана шундай кўнгилсиз тугади. Начора баъзан шунақа ҳам бўлиб турарканда. Нима бўлганда ҳам одам инсофни унутмагани яхши.

## ВАТАННИ СЕВИШ — ИЙМОНДАНДИР

«Ватан остонадан бошланади», деган сўз бежиз айтилмаган. Ҳолбуки, ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оиласини, оиладан Ватанни устун қўймоғи керак.

Бир донишманд шундай дейди.

Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишданоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар. Ҳатто болари ва шунга ўхшаш ҳашаротлар ҳам ўз уяларини муҳофаза қиладилар. Шу каби одамлар ҳам қаерда туғилиб ўсган бўлсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўядилар. Зеро, Ватанга муҳаббат бутун дунёга муҳаббат билан уйғунлашиб кетади. Билим нуридан баҳраманд бўлган халқ, ҳеч қачон ён атрофдаги қўшниларга зиён келтирмайди. Аксинча, давлатлар қанчалик маърифатли бўлса, бир-бирлари билан тил топишиб, янада қудратлироқ кучга айланадилар, оламшумул тафаккур янада равнақ топади. Кимки Ватанни ҳор қилса, у оиласидан айрилади. «Ватанни севиш иймондандир» дейилишининг боиси ҳам ана шунда.

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

*Банк*

# ХОДИМЛАРГА МОС ЛИБОСЛАР

**ҲАР БИР КАСБНИНГ ИШИ, ЙЎНАЛИШИ БЎЛГАНИ КАБИ БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАМ ВАЗИФАСИ ВА МАСЪУЛИЯТИ БОР, АЛБАТТА. ШУ МАЪНОДА БАНК ХОДИМЛАРИ ҲАМ ЎЗИГА ХОС МАХСУС КИЙИМ-КЕЧАККА ЭГА БЎЛИШЛАРИ ЛОЗИМ.**

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўз жамоалари касб-корларига мос касбий либосларни жорий этиш ташаббуси билан чиқди.

— Биз дастлаб валюта айирбошлаш шохобчаларида фаолият юритувчи ходимларимиз учун махсус кийимлар тиктиришга киришдик, — дейди банк бошқаруви раисининг ўринбосари Шукурулло Умуров. — Бу борадаги навбатдаги режамиз Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва банклар уюшмаси ҳамкорлигида «Банк ходимининг хулқи, одоб-ахлоқи Кодекси»ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишга оид қўшма фармойиши билан боғлиқ.

Шунга кўра, мижозларга хизмат кўрсатувчи соҳа ходимлари ҳам ўзига хос сифатли, чидамли ва кўркам либос билан таъминланадилар.

Касбий кийим-бошлар соҳа ходимларининг вазифасига бўлган масъулиятни оширишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, албатта.

*Тиббиёт*

# ЯНГИ ЛИЦЕНЗИЯ ТАРТИБИ

**ТИББИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯНГИ ЛИЦЕНЗИЯ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҚАТОР ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КИРИШДИ.**

Тиббий хизматлар сифатини назорат қилишни йўлга қўйиш мақсадида тиббиёт муассасалари юқори малакали ва тажрибали мутахассислар билан таъминланади.

Хизматлар сифати назоратига доир ахборотларни ўз ичига оладиган марказлаштирилган маълумотлар базаси ҳам яратилади. Қурилаётган бу каби тадбирлар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлади.

# «ФЕРАСК» КАПСУЛАСИ

**РЕСПУБЛИКА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ЯНА БИР ФОЙДАЛИ ПРЕПАРАТНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИЛАР.**

«Фераск» деб номланган бу дорини камқонли хасталиклар муолажасида қўлланишга тавсия этилди. Маҳаллий фармацевтик корхона томонидан ишлаб чиқилган ушбу антанелиск препарат Венгрияда тайёрланган «Сорбифер Дурулс» дориси каби терапевтик таъсир кучига эга.

Эндиликда «Феракс» капсуласи тиббиёт амалиётида кенг қўллаш учун тавсия этилди.

# КЕРАКЛИ ТАВСИЯЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА АРХИВ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Ўзбекистон илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви жамоаси ҳам ўз вазифасига масъулият билан ёндошиб келмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳужжатларни сақлаш бўйича қатор тавсиялар тайёрланди. Бу эса миллий архив фондини бойитиб, уларнинг талаб даражасида сақланишини таъминлашда қўл келди.

**Аҳмад АББОСОВ**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### КАЙКОВУС
### ҲИКМАТЛАР

**Ҳар киши бир кишига бир ишни қилса, ул киши ҳам унга шул ишни қилур ва киши ҳар неча яхшилик ё ёмонлик кўрса, ўз феълидин кўрар.**

* * *

**Ҳар қандай ер олсанг, айбсиз ва шубҳасиз ерни олғайсан.**

* * *

**Ниҳоятда хушрўй хотин олмағилки, уни маъшуқ тутарлар.**

* * *

**Яхши хотин эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур.**

* * *

**Агар сен хотинингта рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши топилмас.**

* * *

**Отадин фарзанд ҳақларидин бири унга яхши от қўймоқдур.**

* * *

**Киши бошига на иш тушарин билмағусидур, фазл ва ҳунар ишга ятратғусидур.**

* * *

**Ота-она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур.**

* * *

**Ҳар одамки вужудга келур ва шу кундин эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва бекувватликдин уни намоён қила олмағусидур. Катта бўлғон сайин жисми ва руҳи қувват топар ва барча руҳи ривожланадур, камолга етғондин сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлиғини зоҳир қилур.**

* * *

**Хос кишиларнинг фарзандларига адаб ва ҳунардин яхшироқ мерос йўқтур.**

* * *

**Ҳунар эса бир кун ишга ярагусидур.**

* * *

**Агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб-олишмағил. Бегонадин хотин олғил, нединким ўз қариндошларингдин олмасанг ҳам улар сенинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладин хотин олғил. Бу била бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзингга қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайғай.**

* * *

**Яхши юзлик куёв талаб қил ва қизингни хунук юзли одамга бермағил, нединким қиз бадрўй йигитга кўнгул қўймағусидур ва сенга ҳамда куёвга бадномлик ҳосил бўлғусидур. Куёвнинг юзи, сўзи пок бўлсун. У номусли ва кадхудо бўлмоғи керакдур,аммо куёв неъмат ва ҳашаматда сендин пастроқ бўлсун, у сен била фахрлансун, аммо сен у билан фахрланмағил, токи қизинг иззат ва роҳат била зиндагонлик қилсун. Бундоқ бўлғондин сўнг куёвдин кўп нарса талаб қилмағил.**

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

***Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.***

***В.Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи 2008-2009 ўқув йилининг 1-синфга қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади: фортепиано, скрипка, виолончель ва дамли чолғулар. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳужжатларни топшириш муддати — 30 май. Имтиҳон 31 май куни. Вилоятдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.***

***Манзил: 700000, Тошкент ш., Мусаханов кўчаси, 71***

*Кураш*

## МАРОКАШ — АФРИКА ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

**МАРОКАШ ДАВЛАТИ ТЎҒРИСИДА КЎПЧИЛИГИМИЗ ИЛГАРИ ТЎЛИҚ МАЪЛУМОТГА ЭГА ЭМАСДИК. БУГУН ЭСА АФРИКА ҚИТЪАСИНИНГ БУ МЎЪЖАЗ МАМЛАКАТИНИ БИЗ КУРАШ ОРҚАЛИ ҚАЙТАДАН КАШФ ЭТМОҚДАМИЗ. МАРОКАШЛИКЛАР, ҚОЛАВЕРСА АФРИКАЛИКЛАР КУРАШ БЎЙИЧА АФРИКА ҚИТЪАВИЙ ЧЕМПИОНАТИ ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОННИ, МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИНИ ЯНАДА ТЕРАНРОҚ АНГЛАМОҚДАЛАР.**

— Илгари хабар берганимиздек, дейди Кураш Халқаро Ассоциацияси матбуот котиби Зулхумор Рўзиева, — Марокаш давлатининг Агадир шаҳри ўзбек спорти кураш бўйича катталар ўртасида Африка чемпионатига мезбонлик қилмоқда. Чемпионат доирасида Кураш Халқаро Ассоциацияси делегацияси ва Африка миллий олимпия қўмиталари Ассоциацияси президенти, Африка кураш конфедерациясининг фахрий президенти Ласанно Паленфо ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда курашни Африка қитъасида янада ривожлантириш ҳамда 2011 йилда Замбияда уюштириладиган Умумафрика ўйинларида кураш бўйича ўтказиладиган мусобақа масалалари муҳокама қилинди. Ласанно Паленфонинг таъкидлашича, дастурга курашнинг киритилиши ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиладиган ўйинларнинг жозибаси ва қамровини кенгайтиради. Чунки, кураш Олимпиада ғояларига асосланган ҳолда ҳалол ва инсонпарвар спорт тури ҳисобланади. Шунингдек учрашувда Африка қитъасида, қолаверса жаҳонда курашни янада оммалаштириш, жойларда бу борада турли анжуманлар, мусобақалар уюштиришни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланади. Жорий йилнинг июль ойида Африка Кураш конфедерацияси томонидан ташкиллаштирилган Африка очиқ чемпионати ҳақида сўз юритган Африка Олимпия қўмитаси президенти Ласанно Паленфо, бу мусобақа қитъанинг бошқа мамлакатларини ҳам курашга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этишини айтиб ўтди. Марокаш матбуотида ушбу чемпионатнинг қитъадаги энг нуфузли минтақавий мусобақа бўлиши тўғрисида бир қатор мақолалар эълон қилинмоқда. Африка қитъасининг 30 дан ортиқ давлатлари спортчилари ушбу чемпионатда қатнашиши кўзда тутилмоқда. Чемпионат Марокашнинг спорт ташкилотлари томонидан юқори даражада байрамона ташкил этилгани туфайли мусобақалар муросасиз, кўтаринки руҳда ўтади. Гиламда эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам ўз вазн тоифаларида ўзаро беллашадилар. Кураш орқали тилимиз, анъаналаримиз ўзга миллат вакилларига кенг ёйилмоқда. Бу албатта мустақиллигимиз шарофати, давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат мевасидир.

Дарҳақиқат, миллий ифтихоримиз бўлган курашнинг халқаро майдондаги шиддатли юришлари давом этмоқда. Жорий йилда ҳам хорижда кўплаб мусобақалар ташкиллаштирилмоқдаки, ҳар бир мусобақа замирида курашимизга бўлган эътибор ва нуфузнинг янада ортиши мақсад қилиб олинган. 7-8 июнь кунлари Франциянинг Париж шаҳрида, 22-24 июнда Эронда, 29-30 июнда Истамбулда бўлиб ўтадиган мусобақаларда ҳам миллий қадриятимиз саналган кураш яна бир бор ўз бўй-бастини тўлалигича намоён этади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР




**«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 1 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.Аукцион савдосига** Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси МХХ автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.07.2007 йилдаги ЖСК-1-311/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Нексия-Донс» русумли, д/р 11АК549 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 8 000 000** сўм. **2**. ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 02.07.2007 йилдаги 1-233/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фольваген Пассат» русумли, д/р 11А8663 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.**

**II. Шунингдек 2008 йилнинг 17 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига**, Тошкент шаҳар Сергели туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 10.10.2007 йилдаги 1-810-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ЖИБ суди ҳовлисида. М-в. Спутник-7/9 да сақланаётган, «Тико» русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 3 800 000 сўм.**

Автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН: 200933850, ҳ/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

**ИНСОН ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШДЕК УЛУҒ КАСБ ЭГАЛАРИ — ҚУТҚАРУВЧИЛАР ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, УЛАРГА ОҒИР ДАҚИҚАЛАРДА СУЯНЧ БЎЛИШДЕК ШАРАФЛИ ИШНИ АДО ЭТМОҚДАЛАР. ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗДА ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИГА 9 ЙИЛ ТЎЛДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ АВАРИЯ-ҚУТҚАРУВ ОТРЯДИ КОМАНДИРИ КАПИТАН ЭРКИН ҚАМБАРОВ — БУГУН БИЗНИНГ СУҲБАТДОШИМИЗ.**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан*

## МАРДЛАР — ЭЛ МАДАДКОРИ

**— Эркин Ҳошимжонович, республикамиз пойтахтида қутқарув хизматининг ташкил этилганлиги хусусида фикрларингиз.**

— Юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлаш, уни турли офатлардан муҳофаза қилиш ҳукуматимизнинг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Шу боис, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси тасарруфида пойтахт ҳудуди ва аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай ҳолатларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш куч ва воситаларнинг доимий шайлигини таъминлашга қаратилган «050» Қутқарув хизмати ташкил этилди. Хозирги кунда ушбу хизматнинг пойтахтдаги фаолияти ривожланган мамлакатларда ташкил этилган «911» ва «112» хизматлари намунасида олиб борилмоқда. Дастлабки йилларда аҳоли учун қутқарув хизмати янгилик бўлганлиги сабабли йил мобайнида 300 га яқин мурожаатлар тушган бўлса, бугунга келиб аҳолининг қутқарувчилар хизматига бўлган ишончи ортиб мурожаатлари кўпайди. Натижада содир бўлиши мумкин бўлган ҳалокатли ҳодисаларнинг ўз вақтида олди олинмоқда.

**— Кўпчилик инсонлар «фавқулодда вазият» деганда, табиий ва техноген тусдаги офатлар натижасида келиб чиқадиган ҳодисаларни тушунишади. Лекин бундан ташқари, катта-кичик авариялар, йўл-транспорт ҳодисалари, иш жойидаги техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабабли содир бўладиган инсонлар саломатлигига шикаст етказувчи ҳар қандай кичик ҳодисалар ҳам фавқулодда вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.**

—Албатта. Бугунги кунда экстремал вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этиш борасида юқори технологик илмий ва амалий тажриба орттирилган бўлсада, бироқ инсон ҳаётига хавфли, моддий бойликларга зарар етказувчи ўнлаб турли ҳодисалар рўй бераётганини кўриш мумкин. Ана шундай қалтис вазиятларда пойтахт аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга шай турган қутқарувчилар куну-тун давомида хизмат кўрсатмоқдалар. 2008 йилнинг биринчи чораги давомида 490 дан зиёд фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг ва ёнғинларнинг олдини олишда, инсонларнинг ҳаётини хавф-хатардан қутқариб, асраб қолишда қутқарувчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

**—Бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда чақирув бўлиши мумкинми?**

—Бир вақтнинг ўзида бир нечта жойда чақирув бўлиши мумкин бўлган вазиятларни эътиборга олган ҳолда Қутқарув хизматида автоуловлар ҳам, қутқарувчилар гуруҳи ҳам етарли ва доимо шай туради. Ёнғин хавфи, қарияларнинг мададга муҳтожлиги, ёш болаларнинг ҳаётини хавф остида бўлиши янада тезкор ҳаракатни талаб этади.

**— Сўнгги йилларда шаҳримизда йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ вазиятларнинг кўпайишига сабаб бўлувчи омиллар ва бундай нохуш ҳолатларда қутқарувчиларнинг амалий ёрдами нималардан иборат бўлмоқда?**

— Авария ва ҳалокатлар баъзан оддийгина йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслик ёки эътиборсизлик оқибатида юзага келиши мумкин. Маълумотларга кўра, хайдовчиларнинг қўпол равишда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, яъни маст ҳолда автотранспорт воситаларини бошқариши, тезликни оширишии, чорраҳаларда йўл белгилари ва йўлчироқ ишораларига риоя қилмаслиги, ёш хайдовчиларнинг гавжум автоуловлар ҳаракатланаётганида бошқарувни тўғри баҳолай олмаслиги оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Тошкент шаҳар ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларида қутқарувчилар томонидан Ички Ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари иштирокида, шикастланган автоуловлардан махсус қутқарув асбоблари воситасида автоуловларни кесиш орқали фуқароларни автоуловлардан чиқариб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади ва жароҳатланганлар тезда тиббий муассасаларга олиб борилиб, кўпгина инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинмоқда.

**—Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «050» Қутқарув хизмати ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Авария-қутқарув отряди таркибида қутқарувчиларнинг қандай гуруҳлари мавжуд?**

—Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «050» Қутқарув хизмати Қидирув-қутқарув гуруҳи, Кўп тоифали қутқарувчи-операторлар гуруҳи, Кўп тоифали қутқарувчилар, Ҳайдовчи-қутқарувчилар гуруҳи ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Авария-қутқарув отряди таркибида Авария-қутқарув гуруҳи, Радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи, Сувда қутқарув гуруҳи фаолият олиб бормоқда.

**—Ўзининг касбига бўлган садоқати, маҳорати билан ўзгаларга намуна бўлаётган қутқарувчилар ўз хизматларидан фахрланадилар. Шундай эмасми?**

— «050» Қутқарув хизматининг кўп тоифали қутқарувчи-оператори Нодир Зокиров, кўп тоифали қутқарувчилари Қобил Расулев, Азиз Шокиров, ҳайдовчи-қутқарувчилар Дилшод Ҳожиев, Асатилла Ҳасанов, Умид Тўйчиев ҳамда Авария-қутқарув отрядининг Радиацион кимёвий биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳининг санитар-тозаловчиси Рамз Алимходжаев, Сувда қутқарув гуруҳи қутқарувчиларидан йўриқчи-ғаввос қутқарувчилар Бахтиёр Насметов, Санжар Холматовлар ўз вазифасига масъулият билан виждонан ёндашиши, касбий маҳорати билан сафдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Инсонларнинг ўз вақтида мушкулини осон қилиш, дардига малҳам бўлиш, қийин вазиятларида ёрдам беришлари билан фахрланиш туйғуларини ҳис қилишлари қутқарувчи касби эгаларининг муҳим жиҳатидир.

**— Ёшларимиз, айниқса ўқувчи-талабалар, қутқарувчилар иштирокида ўтказилган тадбирларда, махсус-тактик машқлар давомида фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўзини ва ўзгани қутқаришни амалий жиҳатдан кўриб ўрганадилар. Натижада фавқулодда вазиятларда руҳий барқарорликни бермаган ҳолда ҳаракат қилиш кўникмалари шаклланади. Шу билан бирга баъзи ёшларимизда қутқарувчи касбига бўлган қизиқишлари кучаяди. Қутқарувчи касбига қизиқиши бўлган ёшларимизга тавсияларингиз.**

—Қутқарувчи касбига қизиқиши бўлган ёшлар аввало Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган бўлишлари шарт. Бу хизматга касбий, руҳий ва жисмоний тайёргарлик талаблари асосида баландликда, сув остида ва шахсий ҳимоя воситаларини қўллаган ҳолда, зарарли моддалар билан ишлашга чидамли, 40 ёшгача бўлган фуқаролар жамланади. Уларнинг жисмонан соғлом бўлишлари, спорт билан мунтазам шуғулланишлари зарур. Ўзларида зийраклик, ҳушёрлик, абжирлик каби фазилатларни тарбиялаб боришлари даркор. Энг муҳими, одамларга астойдил ёрдам беришга тайёр йигитларгина бу касбда ишлай оладилар.

**Суҳбатдош Ҳуснияхон ТОЖИБОЕВА**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-406

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхала босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 3456

Топширилган вақти: 13:29